

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 47 (66276)
2000 йил 23 ноябрь, пайшанба


Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БАЙРОҒИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида 1991 йил 18 ноябр кунни тасдиқланган. Давлат байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

1. Байроқдаги мовий ранг - тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби ҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу - яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шўҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темури давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди.

2. Байроқдаги оқ ранг - муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чаргонлиги ва коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик, бегуборлик, софлик орзу



ва ҳаёллар тозаллиги ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир.

3. Яшил ранг - табиатнинг янги-яшил рамзи. У кўпгина халқларга навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

4. Қизил чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётнинг қудрат ирмоқларидир.

5. Навқирон ярим ой тасвири биз-

нинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзидир.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 та юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги қуёш йилномамизга бевоқиф алоқадордир.

(100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ китобидан олинди.)

БОЛАЛАРГА 500 МИНГ СЎМЛИК ДАРСАК

“Халқнинг етуги саҳий кишидир. Саҳийлик шараф, мартаба ва гўзалликни орттиради”

Аҳмад ЮГНАКИЙ.

Инсон ўзининг яхши фазилатлари, саҳийлиги билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиши мумкинлигига яна бир бор амин бўлдик.

Азимбой ака Саъдуллаевни туманимизнинг ёшу қариси яхши танийди, номларини ҳурмат билан тилга олади. Азимбой ака Урганч Давлат университети ректори, академик, математик олим, олий мажлис депутатидир. Юмушлари-ю ташвишлари бисёр. Шундай бўлсада, фурсат топилди дегунча ўз қадрдон қишлоғи, таҳсил олган мактаби томон ошиқади. Имкон қадар ёрдам қўлини чўзишга шошилади.

Ўтган йили Шовот туманидаги 3-мактабнинг 106 нафар ўқувчисига ўз ҳисобидан кийим-кечак, 18-мактабга эса компьютер совға қилганди. Бу йил эса укаси Баҳодир ака Тожиёв билан биргаликда 3- ва 18-мактабнинг 1-7-синф ўқувчиларига 500 минг сўмлик дарслик ҳада қилди. Бу китоблар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига тарқатилди.

Саҳийлик билан тут элни белгилиг,

Саҳийлик билан бек буюк, эй элиг,

-деганларидек бу инсонларнинг саҳийлиги-ю ҳимматидан болалар ҳам, катталар ҳам миннатдор бўлишяпти.

Сайёра САТТОРОВА,
Хоразм вилояти,
Шовот туманидаги
3-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» ГА



АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг “Салом одоб қасрининг калитидир” деган ажойиб сўзлари бор. Лекин назаримда бу сўзларга амал қилмаётганга ўхшаймиз. Гўёки биз - ўша одоб қасрига эшикдан эмас, балки тешикдан киргандекмиз. Бу билан мен бугун бир халқни айтаётганим йўқ. Баъзи кишиларни назарда тутяпман холос. Чунки менга баъзи кишилар қасрнинг эшигини ярми йўқ калит билан очиб юргандек туйилади. Бундай кишилар саломлашаётганда саломлашиш одобига эътибор беришмайди. Уларнинг саломлашиш тартиби қуйидагича: “Салом”, “Ассалом”, “Алайкум” каби. Бу билан ёнидан ўтган кишига ҳеч қандай тилак билдирмайдику! Мен битта нарсага ҳайронман, унинг таржимаси қандай бўларкин. Худди бир жойга шошилиб тургандек битта сўзни айтишга қийналмасдан “Ассалому алайкум” тарзида саломлашсак яхши бўлар эди деб ўйлайман.

Сиз нима деб ўйлайсиз, азиз тенгдошлар?

Отабек ТОШНИЁЗОВ,
Дехқонобод туманидаги
13-мактабнинг ўқувчиси

Айни обун мавсумида Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Эргашев Қурбонали Жўраевич билан телефон орқали боғландик.

Фикримизни тушунган бошқарма бошлиғи бизга қуйидагиларни гапириб берди:

- Вилоятимизда 375 та мактаб бор. Уларда 190 мингдан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олади. Янги ўқув йилида вилоятимиздаги 36 мактаб жорий таъмирдан чиқди. Зарафшон шаҳрида эса юз ўринли Меҳрибонлик уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хатирчи туманидаги 7-мактаб, Конимехдаги 38-мактаб тубдан янгиланди. Бу билан вилоятдаги барча мактаблар қишқи маъсумга тахт, демокчиман.

Сизга маълум, вилоятимиз кўп миллатли. Улар дўст, ўртоқ. Мактабларимиз рус, инглиз, немис, испан, француз тилларига мўнжалланган. АКСЕЛС йўналиши бўйича ўн уч нафар ўқувчиларимиз Аме-

рикада таҳсил олишяпти.

Абитуриентларнинг олий ўқув юртларига кириши бўйича вилоятимиз бешинчи ўринда туради. Бу кўрсаткич албатта яхши эмас, лекин ёмон ҳам эмас.

Айтгандек, Навоий шаҳридаги 8-мактабда “Ameriko-Tobacco-Uzbekistan” қўшма корхонаси билан ҳамкорликда “Чекмасдан ёшлик гаштини сур” асосида синов ишлари олиб борила-япти. Ўқувчиларимиз бу мавзуга жиддий ёндашяптилар.

Режа бўйича “Тонг юлдузи” газетасига обунимиз саккиз мингта экан. Шу кунга қадар, 769 нафар муштарий рўйхатдан ўтди.

Албатта болалар ўз газеталарининг ҳар бир сонини кузатиб боришлари шарт. Биз педагоглар бу масалага жиддий эътибор қаратганмиз, яъни, ҳар бир синф ўнтадан “Тонг юлдузи” газетасига обун бўлишларига ҳаракат қиламиз.

Феруза ОДИЛОВА ёзиб олди.

Тахририятдан:

Навоий вилоятида 375 та мактаб бор. Ҳар бир мактабда ўрта ҳисобда ўттизтача синф бўлса, демак қанча бола ўз газетасини ўқишини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг. Бу гапни эшитиб, янги йилдан навоийлик мухлисларимиздан янада кўпроқ хат келаркан-да, - деб тахририят аъзоларимизнинг қувонишини айтмайсизми? Ўзи шундоқ ҳам энг кўп хат ёзувчилар - Навоий ва бухоролик муштарийларимиздир. Гўзал воҳанинг қувонч ва ташвишларини бағрига жойлаб келадиган хатлар кўпайсин! Чунки ошфталлик ва демократияга дўст тутинган болажонлар рост сўзлайди, ёруғликни кўзлайди.

болалар, ҳойнаҳой уйингизда та гулли, узум гулли чинни нак пиёла, лаганларни кўрган сангиз керак. Агар гулларига ибор қилмаган бўлсангиз ҳозир нгизга бориб яхшилаб қаранг. ойли ранглар, зарҳал ҳошия- сизга ёқдими? Унда ўша кор- анинг яъни "Нафис" Самар- д чинни идишлар ишлаб чиқа- т очик турдаги ҳиссадорлик няти бошқаруви раиси Бол- ул Тўрақулов ан бўлган суҳ- имизни ўқинг.

САМАРҚАНД

Болтакул ака, корхонагиз- г чинни идишлари азалдан пхур...
 Ҳа, корхонамизнинг ишга ганига 30 йил тўлиши ара- ида бу ютуқларимизни яна бор тилга олсак арзийди. Ана йиллар давомида корхонамиз- ўзига хос чиннисозлик мак- и яратилган. Корхонада даст- ки йиллар 7 турдаги чинни млари тайёрланган бўлса, бу- ги кунда бу кўрсаткич 50 тур- ошиб кетди. Корхонамизда таб чиқарилган нафис чинни млар фақат Осие мамлакат-

ларида эмас, Европада ҳам ўз ха- ридорларини топмоқда. "Узум" чинни тўплами 1982 йили Чехос- лавакиянинг Брио шаҳрида ўтка- зилган халқаро кўргазмада евро- палик чиннишунослар томонидан юқори баҳоланиб, олтин медал ҳамда махсус диплом билан тақ- дирланган. Қадимий сўзана ва зар- девор кашталари нусха- ларидан

олинган ранг- дор шакллар асосида ишлан- ган "Ургут нақшлари", "Гултож" мажмуалари нозик дид ва юқори маҳоратни талаб қиладиган "Ан- желика", "Феруза", "Эрон лав- зум", "Узум" тўпламлари европа- лик чинни шайдоларини ўзига маҳлиё қилади. Қадим Мовора- уннаҳр замини гўзалликлари ба- ҳорий боғларига мафтун бўлган, ундан илҳомланган мусаввирлар "Шафтоли гули", "Пушти атир- гуллар", "Пахта", "Гулдаста", "Нилуфар" сингари бетакрор чинни тўпламларини яратдилар.

"Тиллакори" чинни тўплами Тил- лакори мадрасаси заррин нақшла- рини ўзида мужассам қилган бўлса, "Шердор" чинни идишла- ри тўплами қадимий мадраса, ни- лий гумбазлари, рангдор кошин- лар жилосини унда акс эттир- ган.

О л - динлари хом ашё чет- дан келтирилган бўлса, ҳозир Ан- грен, Лангар конларидан олин- ган каолин, пегметин, кварцли кумдан ана шундай мўъжиза чин- ни идишлар яратилган.

- Корхонагизда меҳнат қилаёт- ган аёлларга, уларнинг болажон- ларига яхши шароит яратиб кўйил- сагина иш унумли бўлади. Гапла- рингизга қараб бу борадаги ишлар кўнгилдагидек деб хулоса чиқаряп- миз...

- Корхонамизда кўп болали аёл- ларга жамоа шартномаси асосида уч кунлик меҳнат таътили жорий этилган. Ҳар йили уларнинг фар- зандларига ёзги дам олиш ором-

гоҳларига бориш, мактаб дарс- ликлари харид қилиш учун маъ- лум миқдорда маблағ ажратила- ди. Жорий йилнинг ўзида кам таъ- минланган оилаларга 1,5 милли- он сўмдан зиёдроқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Корхо- на қошида "Наврўз" болалар боғчаси фаолият кўрсатапти. Бу ердаги болажонлар тарбияси ҳам доимий диққат марказимизда.

Бундан ташқари корхонамиз кўп йиллардан буён қатор бо- лалар боғчаси, меҳрибонлик уй- ларига оталиқ ёрдами кўрсат- моқда.

Мен сизга айтсам, чиннисозла- римизнинг фарзандлари ҳам от- оналари изидан бориб, бу касб- ни моҳир устаси бўлиб етишяп- тилар.

- Суҳбатингиз учун раҳмат. Кор- хонагизда бундан ҳам нафис чин- ни идишлар яратилишига тилак- дошмиз.

Абдуҳамид АБДУҒАФҒОРОВ
суҳбатлашди.

ЧИННИСИНИНГ ДОВРУҒИ

МАРОҚЛИ ҲАМ ТАЪТИЛ

Шўрчи туманидаги Қори Ниёзий номли 3-урта мактаб ўқувчилари учун кузги таътил кунлари мароқли ва мазмунли ўтди, деса бўлади. Улар устозлари бошчилигида Ватанимиз- нинг дунёга машҳур тарихий обида- лари жойлашган Самарқанд ва Бухо- ро шаҳарларига саёҳатга боришди. Шунингдек, воҳамиздаги Имом ал- Бухорий мақбарасини зиёрат қилиб қайтишди.

Ўқувчиларимиз ҳар галги таътил кунларини интизорлик билан кути- шади, дейди саёҳатчилар гуруҳи раҳ- бари Ойсанам опа Холиқова. Чунки таътил кунларида турли шаҳарларга саёҳат уюштириш мактабимизда яхши бир анъанага айланиб қолган. Ҳар галги саёҳатдан ўқувчиларимиз бир олам таассуротлар билан қайти- шади. Ватанимиз тарихини янада ях- широқ ўрганадилар, қадимий обида- ларимиз билан фахрланиш ҳисси уйғонади.

Озода МЕНГЛИБОЕВА,
Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги Х.Бегматов номли 1-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.



ЁМОН СИНОТА ҚОРА БАЙРОҚ

Беихтиёр ўқувчиларни кўриб, ўқувчилик, шўхлик даврим ёдимга тушади. Мактабимизда энг тўполончи синф бизнинг синф эди. Лекин таш- килий ишларда ҳаммадан илғор эдик. Ҳеч эсимдан чиқмайди, 5-синфда ўқиётганимизда мактабимиз- да қизил ва қора байроқлар жорий қилишган. Қи- зил байроқ аълочи, ҳар томонлама етук синфга берилса, қора байроқ эса қолақ синфларга бери- ларди. Бу одат ҳар ойда давом этиб, қора байроқ олган синф албатта ижобий томонга ўзгаришга ин- тиларди. Сентябрь ойининг охирида мактабимиз- да биринчи бўлиб 6-"А" синфга қора байроқ на- сиб қилди. Лекин каттақон қора байроқни олишга ҳеч кимнинг юраги дов бермади шекилли олиш- мади. Бахтни қаранг-ки, октябрь ойида қора бай- роқ бизнинг яъни 5-"А" синфга деб эълон қили- ниши биланоқ синфдошимиз сардори Баҳром югу- риб чиқиб қора байроқни олди. Ҳамма Баҳромнинг журъатига қойил қолдимиз! Синфга кирганимизда синф раҳбаримизнинг хуноби кўкка чиққанини кўрсангиз эди. Устоз Баҳромни, сўнг барчамизни койиди. Шундан сўнг бир ой мобайнида қора байроқ синфимиз бурчагининг султонига айлан- ди. Танаффусларда юқори синф ўқувчилари ус- тимиздан масҳаралаб кулишар, қора байроқ би- лан бизни «қутлашар» эди...

Моҳидил Ражабова,
Андижон Давлат Университети талабаси

БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛАДИК

Кадрли "Тонг юлдузи"! Мен раҳбарлик қилаётган 8-"Б" синф ўқувчиларининг бари сенинг доимий мух- лисларингдирлар. Сенинг ҳар бир сонингни интиқлик билан кутишади, саҳифаларинг- даги ҳар бир хабар, мақола, лавҳа, шеър ва ҳикояларни қолдирмай ўқиб чиқишади. Мени қувонтирадиган томони шундаки, ўқувчила- рим газетани шунчаки эмас, фикрлаб, му- лоҳаза юритиб ўқийдилар ва ўқиганларидан ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олиша- ди.

2001 йил учун газета ва журналларга обу- на жараёни бошланганлигини эшитибоқ ҳеч иккиланмай кадрдон газеталари бўлмиш "Тонг юлдузи"га обуна бўлишди. Д.Дехқонов, Ш.Ўтанов, Н.Ашурова, М.Тошбоева, М.Ма- мадалиева сингари аълочи ва жамоатчи ўқув- чиларим обунада фаоллик кўрсатиб, синф- дошларига намуна бўлишди.

Кадрли "Тонг юлдузи"м! Менинг болалик- даги кадрдон дўстим. Республикамиз бола- лари ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилув- чи қизиқарли мақола ва хабарларингни ку- тамиз. Республикамизнинг энг чекка қишлоқ- ларида яшаётган болаларнинг хонадонлари- га ҳам кириб бор. Улар сени ўқиб, мустақил Ватанимизга кераклигини, эртанги Ўзбеки- стонимиз эгалари эканликларини ҳис қил- синлар.

Ҳ.ҚОДИРОВА,
Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси.

Бир ўқувчида икки хабар

ликларини айтди. Уларнинг асосий таътил вақтлари пахта териш би- лан ўтар экан, нафақат мактаб ўқувчи- лари балки, у ер- даги ёшу-қарининг асо- сий мақсадлари оқ-олтин пахта хирмониға ўз ҳиссаларини кўшиш экан.

Бизда эса ўқувчиларнинг таъти- ли мутлоқ ўзгача ўтди. Кимдир саё- ҳатга чиқди, айрим ўқувчилар тўга- рақларга, кино, театрларга борди. Мен эса таътилни ҳар-хил китоблар ўқиш, мақолалар ёзиш билан ўтказ- дим.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан буён кундан-кун чирой очиб бормоқда. Баланд-баланд иншоотлар банклару музейлар қад кўтармоқда. Айниқса, йўлларимиз янада ойдинлашмоқда. Янги кўприклар қурилиб, кенгайтирилиб, йўловчи ва ҳайдовчиларга янада фаровон шароит яратилмоқда. Мана яқинда Зангиота тумани билан Собир Раҳимов тумани оралиғидаги асосий йўл кенгайтирилиб, янги кўприк қурилди. Бу кўприкнинг

очилиш маросимида юртбошимиз ва кекса отахонлар иштирок этишди.

Йўлнинг очилиши менда шундай тассурот уйғотди яъни, "Ўзбекистон XXI асрга янада ойдин йўлдан интилмоқда". Менинг ниятим шуки, Ўзбекистонимиз яна фаровонлашиб, мустақамланиб бораверсин.

Дилбар ОТАЖОНОВА,
Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Дўстлик номли 16-урта мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

ТААССУРОТ

ЙЎЛЛАР ОҚ ОЙДА

ва топқир болажонлар!
 ўқиб, “га” эмас, “ке”
 дея ҳайрон бўлаётган-
 улоса чиқаришга бироз
 ҳозир бу сўзларнинг
 тушунтириб бераман.
 лдим” сўзлари хоразм-
 ёзилган. Шунинг учун
 лонинг ҳикояларида,
 мақолада хоразмча ше-
 ватасиз. Бу бежиз эмас
 гунги “Танишув” саҳи-
 ис Қорақалпоқ элининг
 ҳридаги 30-мактабнинг
 таҳсил олаётган тенг-
 Шахло Тўрабоева билан
 диқ:

ли боладир” деган гапларини
 ҳечам унутмайман.
 Нафиса ис-
 мли ой
 опам, яъни
 аммамнинг
 қизлари бор.
 Ой опам жуда
 тиришқоқ,
 билимли қиз
 бўлганликла-
 ри учун ҳам
 ҳурмат қила-
 ман. 11-синф-



номидаги Давлат мукофотига ном-
 з о д қилиб кўрсатишди.
 Бу мукофот энг
 доно, билимдон,
 зукко қизларга бе-
 рилар экан. Ой
 опамнинг кўлидан
 нима ишлар кели-
 шини санаб берай-
 ми? Қорақалпоқча
 рақсни, хоразм
 “Лазги” сини

“ОЙ ОПА, МАН ГАЛДИМ”

да аъло баҳоларга ўқиш билан
 бирга ўзлари мақолалар, шеър ва
 ҳикоялар ҳам ёзадилар. Инглиз
 тилини доим яхши биладилар.
 Фурсат топдим дегунча, Ой опам-
 нинг ёнларига ошиқаман. “Ой
 опа, ман галдим. Инглиз тилини
 менга ҳам ўргатинг” дейман. Қа-
 риндошларимиз Муҳайё, Ўткир-
 бек ва Ўктамлар ҳам келишади. Ой
 опамиз инглиз тили сабоқларини
 бошлаб юборадилар...

Яқинда ой опамни Қорақалпо-
 гистон республикасида “Зулфия”



ТОҶИЛ

—Bastakorlardan Nadim aka
 Norxo'jaev, Alisher aka Ikromovlar
 bilan ish olib boraman. Alisher akani
 o'zimning ustozim deb bilaman.
 Qiynalgan vaqtlarimda Alisher aka
 yordam beradilar. Ulardan doimiy
 saboq olib turaman.

124-maktabda o'qib
 yurganimda
 ustozlar



Abzal Sodiqov - 1988 yilning 3-iyunda Toshkent shahrida tug'ilgan. Otasi - Akmalxon Badalov Toshkent shahridagi 123-son musiqa maktabida o'qituvchi. Onasi - mahalla faollaridan biri. Abzalxon mehribon aka ba opaning sevimli erkatojoni. Hozirda "Orom" bog'cha-maktab ta'lim-tarbiya markazining 7-sinf o'quvchisi.

kunida
 birinchi marotaba
 “Muallimim” qo'shig'imni
 ijro etdim. Shunda “Orom”
 bog'cha-maktab ta'lim markazining
 direktori Gulnora Qo'chqorova:

—Sen iste'dodli bolasan, bastakor
 Nadim aka Norxo'jaeva bilan birgalikda
 ish olib borsang juda yaxshi bo'lardi,
 - deb Nadim aka bilan tanishtirib
 qo'rganlar. Shundan so'ng Nadim aka
 “Qizaloq”, “Jon onam” she'rlariga kuy
 bastalab berdilar.

—Tanlovlarda ham tez-tez ishtirok
 etib tursangiz kerak...

кийиб кўядилар. Расм чизадилар.
 Айниқса, табиат манзаралари акс
 этган суратларини кўрсангиз, лол
 қоласиз.

Мен ҳам ҳозирданоқ тилни пух-
 та ўрганиб, улғайгач ҳалқаро жур-
 налистика факультетига ўқишга
 кирсам, қорақалпоқ элининг дар-
 ди, ютуқ ва муаммолари ҳақида
 мақолалар ёзувчи журналист
 бўлсам дейман.

**Биз Шахлохон билан қисқаги-
 на суҳбат қурдик холос. Сами-
 мий, дўстона суҳбатимиз зами-
 рида ўзаро меҳр-муҳаббат уйғон-
 ди. Гарчи хоразм шеvasидаги ай-
 рим сўзларига тушунолмаган
 бўлсамда, митти юрагидаги Ва-
 тан деган буюк туйғунинг ойдин
 нурларини ҳис қилдим.**

Маъмура МАДРАҲИМОВА.

Ana shu tanlovlarda, ko'riklarda
 o'zingiz yoqtirgan qo'shiqlarni
 kuylaysizmi?

—Albatta. “O'zbekiston - Vatanim
 manim” respublika bo'yicha o'tkazilgan
 ko'rik tanlovida shoir Po'lat Mo'min
 she'ri, bastakor Nadim Norxo'jaev
 musiqasi bilan “Vatanim zavqi” kuyini
 ijro etdim.

Osilib shamollar bo'yniga.
 Ucharman dalalar qo'yniga.
 O'zimni sezaman qushdayin.
 Osuda sezaman tushdayin.
 Bag'rida yurganim Vatanim,
 Zavqini surganim Vatanim...

—Qo'shiq aytishdan tashqari yana
 nimalarga qiziqasiz?

—Haftada ikki kun
 O'zbekiston
 Radiosining
 “Kelajak tongi”
 eshittirishini
 olib boraman.
 Radio da
 suxondonlik
 qilish menga
 juda yoqadi.

—Qo'shiq aytishingiz,
 radioda eshittirishlar olib
 borishingiz maktabdagi darslaringizga
 halal bermaydimi?

—Hozircha yo'q. Ulgurolmay qolgan
 darslarimga do'stlarim Ismoil,
 Sunnatlar yordam berishadi. Ular bilan
 birgalikda o'tirib matematikadan
 berilgan misol, masalalarni yechamiz.

—Do'stlaringiz bilan judayam ahil
 ekansizlar. Abzalxon, kelajakdagi
 orzularingiz?...

—Kelajakda buyuk bastakor san'atini
 butun jahonga tanitishdir.

GULYUZ suhbatlashdi.

SABOQ

MATERIYA NIMA?

Koinotning istalgan yerida
 ma'lum bir fazoni egallagan
 narsa materiya deb ataladi.
 Materiyaning qattiq, suyuq va
 gazsimon uchta holati mavjud.

Materiya, shuningdek,
 organik va noorganik turlarga
 bo'linadi. O'simliklar,
 hayvonlar va odamlar tirik
 materiya namunalaridir. O'tin,
 paxta va jundan tayyorlangan
 kiyimlar, grechixa yormasi ham
 tirik materiyaga tegishli, chunki
 ular ham bir vaqtlar qandaydir
 tirik mavjudotning qismi bo'lgan.
 Temir, mis, oyna, suv, havo
 va hokazo noorganik materiyaga
 misol bo'la oladi.


Materiyaning barcha turlari,
 holati yoki shaklidan qat'iy
 nazar, atomlardan tashkil
 topgan. Atomlar tarkibi esa
 markaziy yadro va uning atrofida
 aylanuvchi elektronlardan iborat.
 Elektronlar doimo harakatda
 bo'lgan kichik elektr
 zarralaridir.

Atomlar, odamlar uning
 o'lchamlarini tasavvur qila
 olmaydigan darajada kichik
 bo'lsa-da, yadro va elektronlar
 o'rtasida sezilarli bo'shliq mavjud.
 Ushbu bo'shliq atom tashkil
 topgan zarralarning umumiy
 hajmidan ancha kattadir.
 Demak, materiya, asosan,
 bo'shliqdan tashlik topgan! U
 odammi yoki g'ishtli devormi,
 buning ahamiyati yo'q. Agar
 sizning tanangizdan barcha
 bo'shliqlar chiqarib tashlanib,
 faqat qattiq asosgina qoldirilsa,
 siz ushoqdekkina tabletka
 darajasida kichrayib qolasiz.

Agar barcha atomlar bir xil
 bo'lganida edi, materiya butun
 dunyoda faqat bir xil ko'rinishiga
 ega bo'lar edi. Biroq ular yuzdan
 oshiq ko'rinishga egadir,
 ularning har biri alohida holda
 materiyaning eng oddiy
 ko'rinishi-elementni tashkil
 etadi. Oltin, temir, yod,
 kislorod, mis sof ko'rinishida
 alohida elementlardan iboratdir.

Turli atomlarning
 kombinatsiyasidan tashkil
 topgan va bir-biri bilan
 mustahkam bog'langan materiya
 modda deb ataladi.
 Moddaning eng kichik
 zarrasi molekula deb ataladi.
 Atom va molekularlar bir-
 biriga qanchalik yaqin
 joylashsa, materiya
 shunchalik “zich” bo'ladi.
 Materiya qanchalik zich
 bo'lsa, shunchalik og'ir
 bo'ladi. Shuning uchun
 ham oltin yog'ochdan
 og'irroqdir.

Materiya bir (qattiq,
 suyuq yoki gazsimon)
 holatdan ikkinchi holatga
 o'tishi mumkin. Uni
 butunlay yo'q qilib
 bo'lmaydi, ammo energiyaga
 aylantirish mumkin.



ЗАҲМАТЛАР ЎТКИНЧИ, ИСТИҚЛОЛ АБАДИЙ!

Юртбошимизнинг Ўзбекистон республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда, юксак минбардан туриб ёшларга, бугунги яратувчанлик жараёнларининг, инсон бахт-саодати йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг бевосита давомчиси бўлган авлодга қилган мурожаатини ўз-ўзидан туғилган хитоб деб тушунмаслик керак. Инсон тафаккури узлуксиз ҳаракатда. Йиллар йилларни қувлаб ўтаверади. Фасллар алмашаверади. Инсонлар келиб-кетаверади. Эртага янги авлод майдонга келади. Бугун мактаб партасида ўтирган ўқувчи, аудиторияда маъруза тинглаётган талаба эртага раҳбар бўлади, депутат бўлади. Болаларга тарбия берувчи, уни яхши йўлга бошловчи муаллим бўлади. Токи, у бугун Ўзбекистон давлати ўз олдига қўйган мақсадларни, озод ва обод Ватан, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти яратиш йўлидаги интилиш ва ҳаракатларнинг туб моҳиятини, аниқроқ айтадиган бўлсак, бу ҳаракатларнинг қай даражада муҳим эканлигини яхши тушуниб етмас экан, у жамиятдан, бугунги улғувор интилишлардан четга чиқиб қолаверади ва ўз-ўзидан маълумки, бугун катта авлод амалга ошираётган олижаноб мақсадлар мақсадлигича қолиб кетаверади. Бугун қилинаётган ҳаракатлар зое кетмаслиги учун ҳам, ёшлар ўз елкасидаги оғир ва шарафли юкни, буюк келажакни қуришдек улғу вазифани, эртанги авлодлар олдидаги масъулликни чуқур англаб етиши зарур. Шундагина Ўзбекистонимизнинг келажак буюк, эртанги кунимиз

Ҳар тонг беназр бобо қуёш саволатли заминимиз узра заррин нурларини соча бошлаган пайтда уйғонар эканман, дилимда ажиб ҳислар, келажакка умид, эртанги кунимизга ишонч уйғонаверади. Яна бир мунаввар тонгни қарши олаётганимга, келажаким сари яна бир қадам қўяётганимга шукроналар айтаман. Оллоҳ бизни жаъмий-ки мавжудотлар ичра етуги, “Ҳазрати инсон” қилиб яратган. Биз ҳам шу номга муносиб бўлиб, ҳар кунимизни эзгу ниятлар, хайрли, савобли ишларга бағишламоғимиз лозим.


Биз эрта билан уйғониб мактабга ошиқамиз. Мактабимиз эса ҳар тонг бизни интиқ кутиб оладиган муқаддас даргоҳ. Биз у ерда билим оламиз. Олажак билимимиз келгуси ҳаётимизда асқотишини, йўлларимизни янада равон қилишини англаб ўқиймиз. Ахир “Бешиқдан то қабргача илм изла” деган ҳикмат бежиз айтилмаган-ку!

Мактабларда бемалол билим олаётганимиз, келажак ҳақида ўйлаётганимиз ниманинг шарофатидан? дея ўйлаб қоламан баъзан. Мустақиллигимиз, тинчлигимизнинг шарофатидан-да албатта. Тинчлигимиз борки, илм олишимиз, келгусида олий ўқув юртларига кириб ўқишимиз, чет элларга чиқишимиз учун имкониятлар етарли. Тинчлик барқарор бўлган юртимизга тўйлар яра-

“Эй, улғу Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп.

Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз - юртимиз истиқлолини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачигидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир”.

Ислом КАРИМОВ



бугунимиздан нурли бўлади.

Давлат раҳбарининг энг улғу, энг азиз, асрлар давомида орзу бўлиб келган, катта йўқотишлар ва курашлар ортида қўлга киритилган истиқлол байрами кунда қилган мурожаати ва умуман Ўзбекистон давлати мустақилликни қўлга киритган энг биринчи кунлардан бошлаб интилган ва интилаётган, у ҳам бўлса, Ватанга муносиб, миллий қадриятлар ва жаҳоннинг энг илғор ютуқларини ўзига сингдирган, ҳам руҳан, ҳам жисман соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги орзу-умидлар, интилишлар, ғамхўрликлар,

шади, ўйин-кулгулар, байрам ва тантаналар сизга кўнглимизга. Кўнглимиз хотиржамки, эртага, индинга, ва ҳатто беш-ўн йилдан кейинга эзгу мақсадлар режалаштиряпмиз. Буларнинг бари мард, фидойи посбонларимиз, юртбошимиз сазой-ҳаракатлари шарофатидир. Қўшни республикаларда, дунёнинг кўплаб бурчакларидаги но-

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва доимий эътибор ортида худди ана шу буюк мақсадлар ётибди. Навқирон авлод тушуниб етиши керакки, бу эътибор ва ғамхўрликлар, турли жамғармаларнинг, академик лицейларнинг ва турли ўқув муассасаларининг барпо этилиши одатдаги ҳаракатлар эмас. Бу - миллатнинг, бутун бошли давлатнинг, халқнинг эртанги кунини ва унинг яшаб қолиш ёки қолмаслик сингари ҳаёт-мамонт масаласидир.

Кишилиқ тарихининг гувоҳлик беришича, ҳеч замон улкан ва


Самарқадда эса калом илмининг таълимотчиси, ислом динининг софлигини авайлаб-асрашга даъват этган, уни турли бўлинишлардан сақлаб қололган улғу аллома имом ал-Мотуридий ҳазратлари таваллудининг 1130 йиллиги кенг тантана қилинди.

Бобокалонларимизга биз миннатдор авлодларидан тўхфа сифатида

Фарғонада Бурхониддин Марғиноний номи билан аталувчи мажмуа қад ростлаган бўлса, Самарқандда “имом ал-Мотуридий” мақбараси кўкка буй чўзди.

Тантаналарни кузатар эканман, улардек буюк аждодларимиз борлигидан, шундай ажиб юрт фарзандлари эканлигимиздан дилимда фахр-ифтихор туйғулари жўш урди. Боболаримизга муносиб авлодлар бўлиб камол топишни дилимга туғиб қўйдим.

Мазмуна АКРОМОВА,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон
туманидаги Содиқжон Азизов
номли 15-мактаб ўқувчиси



инқилобий жараёнлар инсон онгига оз фурсатлар ичида сингмаган. Қоянинг улғуворлиги олисдан аниқроқ кўзга ташлангани сингари бугунги ёруғ кунларнинг, тинчликнинг, тарихий ҳодисаларнинг қадри кўп йиллар ўтганида, жамиятга мутлақо янги, тафаккури юксак, “биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт” бўлган авлодлар келганида билинади. Бугун бизга у қадар қадри сезилмаётган кунлар аслида улғу кунлар. Бу кунларнинг қадрига етмаслик, бу азиз Ватанни севмаслик - гуноҳ. Бошимизни силаган, оқ юзиб, оқ тараган, оқир кунларимизда кўмак берган, эртанги кунини бизга ишониб топшираётган, ўқув даргоҳлари эшигини ланг очиб қўйган ЮРТ кутаяпти.

... Ватанни ҳеч ким ўзи билан олиб кетолмайди. Ватан барибир Ватан бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам биз уни севаемиз, унга интиламиз. Унинг бағрида бўлиб ҳам, ҳар нафас унинг меҳр тафтини сезиб ҳам уни соғинаверамиз. Дунё ичидаги кичик дунё бўлган ана шу муқаддас Ватан, юксак манзиллар томон интилаётган мустақил Ўзбекистон, боболаримизни бағрига сингдирган, кун келиб бизга ҳам ўз қабридан жой берадиган муқаддас замин - бизники! Унинг ютуқлари, эртаси бизники! Унинг тақдири - бизнинг тақдиримиз. Заҳматлар ўткинчи, Истиқлол абадий!..

Шухрат ОРИФ

ФЕСТИВАЛЛАР ОЛАМИ

Ажойиботлар ўлкаси бўлмиш Францияда ҳар йили турли хил байрамлар ва фестиваллар ўтказилади.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган фестивал (байрам десак ҳам бўлади) бутунлай сув билан боғлиқ.

Франциянинг Сете шаҳрида ҳар йили сув фестивали бўлиб ўтади. Байрам давомида беллашувчилар сув устида, қайиқларда мусобақалашиб, ўз кучларини синайдилар. Беллашувчи командалар икки гуруҳга бўлиниб, қайиқларда бир-бирларига қарама-қарши йўналишда сузадилар. Қайиқларнинг олд тараф тепасига команданинг битта иштирокчиси чиқиб олади. Унинг қўлида учи ўткир бўлмаган ва тўмтоқ найза ҳамда қалқон бўлади. Қарама-қарши келаятган икки қайиқ олдида найза билан турган иштирокчи рақиблар бир-бирини найза билан уриб, сувга йиқитишлари лозим. Сувга тушиб кетмаган иштирокчи голиб ҳисобланади.

Мусобақада қатнашган, шунингдек фестивалга келган меҳмонларни Францияда энг лаззатли Сардиния балиғи ҳамда соф, тоза бўлган француз шампани ва виноси билан сийлайдилар.

ШОҲРУҲБЕ

Ҳинд киносининг соҳибжамол ма-
ликаси Мадхури Дикшит Шрирам
Нене исмли врачга турмушга чиқди.
Қизиги шундаки, Шрирам Нене шу
вақтгача ўз рафиқаси Мадхурининг
биронта ҳам фильмини кўрмаганди ва
уни умуман танимасди ҳам. Фақатги-
на икковларини таништириб қўйган-
ларидан кейин, Шрирам Мадхури
ҳақида маълумотга эга бўлди.

Шрирам Нене АҚШнинг Лос-Ан-
желес шаҳрида юрак жарроҳи, яъни
кардио-хирург бўлиб ишлайди. Шри-
рам АҚШда туғилиб, шу ерда катта
бўлган ва шу ерда яшайди. Шунинг
учун ҳам, Шрирам Мадхурининг ма-
шхурлиги ҳақида ҳеч нарса билмаган
эди. “Шрирамнинг бўш вақтлари жуда
кам бўлади” - дейди Мадхурининг
опаси Бхарати Адкар.

Бхаратининг ўзи компьютерлар
бўйича мутахассис, унинг турмуш
ўртоғи Санджай ҳам шу касб эгаси-
дир. Бхарати куёви Шрирамни моҳир
врач, спортчи, санъатсевар инсонли-
гини кўп таъкидлайди.

Шрирам Мадхуридан бир ёш катта,
яъни 34 ёш. Уларнинг тўй тантанала-
ри Жанубий Калифорнияда бўлиб
ўтди. У ерда Мадхурининг акаси Ад-
жит Дикшит яшайди, тўй бўлиб ўтган
дангиллама уй ҳам унга тегишли.

Шрирамнинг отаси инженер бўлиб
ишлайди. Уларнинг оиласи бир неча
йил Англияда ҳам яшаган.

Мадхури 1967 йилда Ҳиндистонда,
ишчи оиласида дунёга келди. Мадху-
ри болалигиданоқ санъатнинг турли
соҳаларига, хусусан, рақсга, кўшиқ
айтишга, театр ва кинода рол ўйнаш-
га қизиқа бошлаган. 10 ёшида актри-
санинг ота-онаси қизларини рақс
сарайига бердилар. Мадхури айнан
шу тўғарак туфайли моҳир ва тажри-
бали раққоса бўлиб етишди. Томоша-
бинлар Мадхури иштирок этган филь-
мларни кўрганларида, актрисанинг
ҳақиқий раққоса эканлигига ишонч
ҳосил қилишлари мумкин.

Мадхури ҳинд киносига 1990 йил-
ларнинг бошларида кириб келди. Акт-
риса фильмларда ижро этган дастлаб-

ки ролларидан бошлаб, муваффақи-
ятга эриша бошлади. Мадхурининг та-
шқи кўриниши, мафтункор табассу-
ми, гўзал қадди-қомати ва актриса-
лик маҳорати кўпгина кинорежиссёр-
ларни қизиқтириб қолди. Бирин-кетин
машхур режиссёрлар Мадхурини ўз филь-
мларида рол ўйнаш учун таклиф қила
бошладилар.

Мадхурининг “Дил”, “Ошику-бе-
қарорлар”, “Ёвуз”, “Сўзсиз
муҳаббат” каби
фильмлари
б и р

неча бор
Ўзбекистон теле-
видениесида намо-
-ийш этилган ва
ўзбек кино мухлис-
лари уларни севиб то-
моша қилишади.

Мадхурининг битта
ака ва иккита опаси бор.
Уларнинг барчаси АҚШ-
да яшайдилар. Мадхури-
нинг опаси Бхарати ва ака-
си Аджит 1984 йилда оила-
лари билан бутунлай АҚШга
кўчиб кетганлар. Мадхурининг
кичик опаси Рупа эса турмуш
ўртоғи билан 1987 йилда АҚШга кўчиб
келганлар.

Мадхури Шрирамни ҳақиқатдан се-
виб қолгани учун ва Шрирам ҳам Мад-
хуридек брахман табақасидан бўлган-
лиги учун унга турмушга чиқди.

Мадхури киноактрисалик фаолия-
тини яна давом эттиришини айтди.

Ҳиндистоннинг “Cine Blitz” журна-
лига берган интервьюсида Мадхури-
нинг яқин дўсти М.Ф. Хуссаин актри-
са ҳақида кўйидаги унинг қизиқ хусу-
сиятларини айтиб берди:

“Мадхури Шрирамдан аввал ҳеч
кимни чин дилдан севмаганлигини
менга кўп маротаба айтган”. Мадхури
қўйидагича кўринишдаги турмуш
ўртоғини орзу қилишини доимо таъ-
кидларди: “Кўзлари фақат кулиб ту-
радиган, қувноқ, қулоқлари худди ма-

шхур теннисчи Андре Агассиникига
ўхшаган кичкина ва шалпайиб
турмасдан, бошига ёпи-
шиб турадиган,

юз териси
қорачадан келган,
юзидаги соқоллари ар-
чилган тухумдек силлиқ ва
тоза олинган, иягида чу-
қурчаси бўлган, жағла-
ри тўғри ва текис тиш-
лари чиройли бўлган
(ҳа, битта тиши
Шаши Капурники-
га ўхшаб қийшиқ
бўлса ҳам майли -
дейди у), лабла-
ри қалин, со-
члари пича
тўлқинсимон
бўлган, ду-
м а л о қ
кўзойнак-
ли, гавда-
си атлетларники-
дек, бўйи жуда ҳам ба-
ланд бўлган умр йўлдошни бир
умр орзу қилганман”.

Мадхурининг турмуш ўртоғи Шрирам
деярли шундай йигит десак бўлади.

Мадхури Шрирам ҳақида шундай
дейди:

“Мен оилада кенжа фарзандман. Эр-
катой бўлиб ўсганман. Ҳамма мен
ҳақимда қайғурарди. Шунга ўрганиб
қолганман. Шрирам ҳам айнан шундай,
мен ҳақимда қайғурадиган инсон.
Шрирамнинг камтарлигини, оддийли-
гини, ўзига ишонганлигини, ваъдаси-
нинг устидан чиқишини севман”.

Хема Малини ҳам Мадхурининг
тўйига ўз муносабатини билдирди:

“Менинг фикримча, киноактрисалар
27-28 ёшигача тер тўкиб ишлашлари ва
29-30 ёшларидагина турмушга чиқиш-
лари керак. Мадхури 33 ёшида турмушга
чиқиб тўғри қилди. У аввал маш-
хурликка эришди, энди эса оила қуриш,

шахсий ҳаёти ҳақида ўйлапти”.

Мадхурининг кинодаги рақибаси
Жухи Чавла шундай дейди:

“Менимча ҳам, Мадхури тўғри йул
тутди. Мен унга фақат бахт ва омад ти-
лайман”.

Мадхури ва Шрирамнинг тўйлари
шу даражада ҳашаматли бўлганлиги-
дан, Ҳиндистонда уни “Минг йиллик
тўйи” деб аташди. Мадхури тўй куни
гхангра-чоли номли матодан тикил-
ган, кумушранг кўйлак кийди. Деяр-
ли умуман пардоз-андоз қилмаган эди.
Сочини ҳам оддийгина қилиб ёйиб
олди. У ҳар доимгидек кулиб турарди.
Шрирам эса ипакдан тикилган оппоқ
куёвлар либосида эди. Тўй куни барча
ташриф буюрганлар шунга гувоҳ
бўлдиларки, куёвбола Шрирам Мад-
хуридан анчагина оқроқ экан.

Энди Мадхурининг тўйига ташриф
буюрган машхур кино юлдузлари ном-
ларининг рўйхатига ўтамир:

Дев Ананд, Раджеш Кханна, Дхармен-
дра, Риши, Шаши, Шамми Капурлар,
Дилип Кумар, Амриш Пури, Хема Ма-
лини, Рекха, Шабона Азми, Димпл Ка-
падиа, Митхун Чакраборти, Мандаки-
ни, Шри Деви, Минакши, Сону Валиа,
Амрита, Жухи Чавла, Равина Тандон,
Ойша, Шилпа, Айшваря Рай, Жайя
Прада, Жеки Шрофф, Санджай Датт,
Чанкий Пандей, Нилам, Сунит Шет-
ти, Саиф Али Хон, Рахул Рой, Пужа
Бхатт, Ажай Девган, Амитабх Баччан ва
Салмон Хонлар Мадхурининг тўйига ке-
либ, икки ёшга бахт тиладилар.

Негадир Шоҳруҳ Хон, Амир Хон,
Каришма Капур, Қажол ва Урмила-
лар унинг тўйига келмадилар.

Буюк киноустаси М.Ф. Хуссаин
Мадхурини чиндан севарди. Лекин на
илож, тақдир экан. Шундай бўлса ҳам,
Хуссаин Мадхурининг тўйига ташриф
буюрди.

Худди шу куни Прабхадеви шаҳри-
да куёвбола Шрирамни синглисининг
ҳам тўйи бўлиб ўтди. Бу икки тўйда
ҳам одам жуда кўп бўлди.

ТҲЙЛАР МУБОРАК, МАДХУРИ



Нукталар ўрнига мос
келувчи сўзни қўйинг.
Put the appropriate word
instead of periods.
1). cuts cows, oxes,
sheep and horses. After that
he sells their for
money in the market.
A). Hangman/skin
B). Butcher/meat
C). Wolf/meat
D). Doctor/horn
2). There is an english
proverb: If you eat an a
day, it keeps doctor away.
Инглизларда бир мақол
бор: Ҳар кун егин биттадан
..... ва табиб олдига ҳеч
ҳам борма.
A). Food/овқат
B). Chocolate/шоколад
C). Apple/олма
D). Banana/банан
3). What is the name of
famous Chinese actor, which
was a real master of kung-fu
and karate? He was born in
1930 and died tragically in
1974. His son also died
tragically at early age.
Машхур хитойлик кунг-фу
ва карате устасининг исми
..... ма? У 1930 йилда

туғилиб, 1974 йилда
фожиявий тарзда ҳалок
бўлган. Унинг ўғли
ҳам фожиали равишда,
ҳаётдан эрта кўз юмган.
A). Tsyan-Dzi/Huan Dzi
B). Jackie Chan/Pak Chan
C). Jet Lee/Choy Lee
D). Bruce Lee/
Brendon Lee
4). cuts
men's hair and
..... cuts
women's hair.
They make
beautiful haircuts.
..... эркаклар ва аёллар
сочини кесиб, бир-
бирдан гўзал соч
турмакларини қилади.
A). Barber/hairdresser
B). Haircutter/women barber
C). Hairdresser/barber
D). Barber/haircutter
СИНОНИМ СЎЗЛАРНИ
(яъни, маъно жиҳатидан
бир-бирига ўхшаш
сўзларни) **ТОПИНГ**
FIND THE SYNONYM
WORDS
1). “Exterminate” - “Йўқ
қилмоқ, вайрон қилмоқ”

сўзининг синонимини
топинг.
A). Explose
B). Eradicate
C). Bomb
D). Beat
2). “Shout” - “бақирмоқ,
қичқирмоқ” сўзининг
синонимларини топинг.
A). Yell/whisper
B). Cry/boast
C). Rip/hold
D). Yell/roar
3). “Clever” - “ақли, доно,
зукко” сўзининг
синонимини топинг.
A). Smart
B). Stupid
C). Brave
D). Coward

4). “Boast” - “мақтанмоқ”
сўзининг синонимини
топинг.
A). Laugh
B). Destroy
C). Praise
D). Pick
5). “Destiny” -
“Тақдир,
толеъ”
сўзининг
синонимини
топинг.
A). Life
B). Fate
C). Fortune
D). Death
6). “Horrible” -
“даҳшатли, кўрқинчли”
сўзининг синонимини
топинг.
A). Funny
B). Serious
C). Terrible
D). Enjoyable
АНТОНИМ СЎЗЛАРНИ
(яъни, маъно жиҳатидан
бир-бирига қарша қарши
сўзларни) **ТОПИНГ**
FIND THE ANTONYM
WORDS

1). “Beautiful” - “чиройли,
гўзал” сўзининг
антонимини топинг.
A). Nice
B). Ugly
C). Huge
D). Attractive
2). “Tall” - “баланд”
сўзининг антонимини
топинг.
A). Short
B). High
C). Little
D). Fat
3). “Dry” - “куруқ”
сўзининг антонимини
топинг.
A). Wet
B). Sunny
C). Cloudy
D). Hot
4). “Louder” - “баландроқ”
сўзининг антонимини
топинг.
A). Faster
B). Higher
C). Slower
D). Nicer



ХАР ЮЛНИНГ ЎЗ ИСИ БОР

“Нихол” совриндорлари



Азиз ўқувчилар, орангизда эстрада кўшиқларини мириқиб тингламайдиган ўғил-қизлар топилмаса керак-а? Албатта, эстрада кўшиқ ижрочиларининг номларини ҳам ёддан биларсиз?

Хабарингиз бор, Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида Президентимизнинг ташаббуслари билан истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инobatта олиб, иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида “Нихол”

мукофоти таъсис этилган эди. Муסיқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва имон-этиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшлардан 10 нафари “Нихол” мукофотининг илк совриндорлари бўлдилар. Улар орасида “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси, севимли хонандамиз Нилуфархон Раҳматова ҳам бор.

ЖАМАЛАК СОЧ ҚИЗАЛОҚ

кўшиқ куйлаётти. Унинг жарангдор овози Бўстонлиқнинг поёнсиз кенгликлари оша баланд-баланд тоғлари, юксак қояларида акс-садо беряпти...

Бу ўша - қисқа фурсатда ёшу-қарининг дилидан, тилидан жой ололган хушовоз хонанда Нилуфархон Раҳматова (Саидова) эди.

Оиласида санъаткорлар бўлмасида, дадаси Эргаш ака ҳам, онаси Тамара опалар ҳам санъатнинг ашаддий ихлосмандлари эдилар. Тили чиқиб-чиқмай ўзи учунгина тушунарли бўлган тилда кўшиқ куйлаб юрадиган жажжи Нилуфархоннинг овозини тинглаб, ҳаракатларини кузатиб, дадаси: “шу қизим кўшиқчи бўлади-ёв. Телевизор орқали кўшиқ куйлаганини бир маротаба кўрсам, армоним қолмасди” дея орзу қилиб юрардилар! Чунки Нилуфархонда ҳақиқатдан ҳам санъатга ошуфғалик бор эди. Уиларида бирор тантана, маросим бўлгудек бўлса, меҳмонлар “Нилуфархоннинг концерти”ни кўрмай кетишмасди. Бир акаси рубобда, яна бири доирада жўр бўлишар, опаси суҳандон, сингисини раққоса қилиб, ўзи кўшиқ куйларди. Ўзи таҳсил олган А.Қодирий номли 3-мактабда ўтказиладиган кеча ва тадбирларни ку айтмаса ҳам бўларди. Тўқиш, тикиш, рақс, расм чизиш, кўйингчи, мактабда қандай тўгарак фаолият кўрсатаётган бўлса, барчасига аъзо бўлган экан.

Тўгараклардаги машғулотлар анча кеч туггани боис, мени мактабдан олиб келиш Зайниддин акамнинг зиммасида эди дея кулиб хотирлайди Нилуфархон. “Машғулотларинг ҳам жонимга тегиб кетди” дея уришмасинлар деб ул-бул нарсалар олишим учун дадам берган 10-20 тийин пулларимни акамга бериб турардим. Бирор ширинлик олиб ейишдан кечсам кечардимки, машғулотлардан қолмасдим...

Қаердан карнай-сурнай овози эшитилиб қолса, ҳеч бир такаллуфсиз кетаварардим. Йўл-йўлакай дугоналаримга, мени даврага тортасизлар, деб тайинлаб борардим. Тортмай қолишса, астойдил ҳафа бўлардим...

ОРЗУЛАРИ ҲАМРОҲИ БЎЛИБ...

Болалигиданоқ Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаеваларнинг кўшиқларини ҳиргойи қилиб, улардек эл севган санъаткор бўлишни орзулаб юрган Нилуфархон мактабни тамомлаб, театр ва рассомчилик институтига ўқишга киради. 2 босқичда таҳсил олиб юрган кунларининг бирида талабалар орасидан ўз овозига, ижро маҳоратига эга бўлган қизларни танлаш мақсадида “Ўзбекистон” гуруҳининг бадиий раҳбари Султонали Раҳматов келади. Аксига олиб, ўша кунни Нилуфархоннинг томоғи оғриб қолибди. “Мени барибир олишмаса керак” деган ўйда хонада ёлғиз қолганида, вокал яккахон кўшиқчилик ўқитувчиси Гулсара опа Холбоева: “Бундай имконият ҳар

кунни бўлавермайди. Бахтингни бир синаб кўрсанг-чи” дея чиқариб юборган экан. Буни қарангки, 20-30 нафар қизларнинг орасида айнан уни танлаб олишибди...

“ТУРНАЛАР”НИ ЯРАТГУНЧА неча-неча бор йиғлаб олганларим ўзимгагина аён, -дея ҳикоя қилади хонанда машҳур кўшигининг яратилиши ҳақида. -Кўшиқнинг бирор ери кўнгилдагидек чиқмай қолсам, ёки авжини ололмай қолсамми, Султон

акам қўлларига илинган нарсани отиб юборардилар. Улар уришганлари учун эмас, кўшигим кўнгилдагидек чиқмаётгани учун ўқиб-ўқиб йиғлаб олардим. Чунки бу кўшиқ ижроси учун жуда катта овоз, кенг диапазон талаб қилинарди. Бу кўшиқни икки кун давомида тайёрладик. “Ёш умидли юлдузлар” номинацияси бўйича ўтказилган “Тарона-2000” кўрик-танловида ана шу кўшигим билан қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритганим-

да барча машаққатларим, тўккан кўз ёшларим унут бўлиб кетди.

1998 йилда “Висол” номли илк клипи экран юзини кўрган кунларда бир қувонган бўлса, 3 йўналишда ўтказилган “Янги тароналар” конкурсиди 3-ўринни қўлга киритиб, севинчи оламга сиғмай кетганди. Устоз ва шогирднинг тинимсиз меҳнатлари, изланишлари ўз самарасини берди. “Висол”нинг кетидан “Нилуфар”, “Денгиз”, “Севганим сен” аудиокассеталари, “Қарашлар” лазерли диски, “Нилуфархоним ва Султонали Раҳматов” номли видеокассеталари, ўнлаб клиплари чиқа бошлади. Эстрада кўшиқчиси бўлиб танила борган Нилуфархоним мақом усулида ҳам кўшиқ куйлаб, бу йўналишга яхши маънода ўзгаришлар киритиш мақсадида изланыпти. Унинг ижросидаги “Самарқанд ушшоғи” клипи, “Феруз-1”, “Ким десун”, “Фарғона тонг отгунча”, “Куйгай” кўшиқлари шулар жумласидандир.

БАХТ КЕЛСА ҚЎША-ҚЎША

келади деганларидек, бу йил Нилуфархон учун омадли йил бўлди. У дунёдаги энг улуг ном - Она деган номга мушарраф бўлди, қизалоғи Нозанинхон дунёга келди. Қизчасининг парвариши билан банд бўлиб юрган кунларининг бирида “Нихол” мукофоти совриндори бўлганлиги ҳақидаги хушхабарни эшитиб, тўлқинланиб кетди.

Ўша дамдаги ҳолатимни сўз билан ифодалаб беролмайман, -дейди хонанда ҳаяжонини яширмай. - Бунинг учун энг аввало юртбошимиздан, биз ёш санъаткорларга кўрсатаётган эътибору гамхўрликларидан миннатдорман. Кимларгадир керак эканлигини, кўшиқларинг кимларгадир маъқул бўлаётганлигини ҳис қилиб яшашдан ортиқроқ бахт борми дунёда?!

НИЛУФАРХОНИМ БЎЛОЛСАМ БАС

Санъат оламига энди-энди қадам қўяётган айрим хонандалар таниқли санъаткорларга тақлид қилишади. Уларнинг кўшиқларини куйлаб интилишади, саҳнадаги юриш-турушлари-ю гап-сўзларигача такрорлашади. Гўёки шундай қилишса, улардек шухратга эга бўлиб қолишадигандек. Нилуфархоннинг эса бу борадаги фикри бўлакча:

“Санъат оламида юлдузлар кўп. Улар қанчалик кўп бўлса, осмонимиз янада ёрқинроқ бўлади. “Осмондаги энг порлоқ юлдузман” дейувчилар ҳам оз эмас. Ҳар гулнинг ўз иси бор, деганларидек, мухлисларим қалбидан ўз овозига, услубига, йўналишига, ижро маҳоратига эга бўлган “Нилуфархоним” бўлиб жой ололсам бас”.

Болаликдаги орзулари ҳамроҳи бўлган, “турна”лар кўмагида юксаликка интилаётган, дадасининг орзуларин қондирган хушовоз хонандамиз Нилуфархонимга янада баланд парвозлар тилаймиз.

Феруза ЖАЛИЛОВ

СУВ ОСТАТА САЁХАТ

ёки ўсмир ёшлар маркази ҳақида

Олтин кузнинг сўнгги ойи бошланган кунлар эди. Шошқалоқ болалар ортидан одимлайман. Йўл тўғри Ўсмир Ёшлар Техник Ижодиёти Маркази сари етаклади. Бинога кирганимда сайроқи қушларнинг ёқимли овози борлиқни чулғаб олганди. Кўзларим беихтиёр қушларни ахтарди. Бир эшик пештоқида “Балиқчилик тўғараги” лавҳасини ўқидим. Ҳа мен истаган овозлар ана шу хонадан эшитилаётган эди.

Айни машғулот чоғи экан. Муаллима Галина Солиева рухсати билан болалар сафида ўтириб машғулот кузатаман. Галина опа яна сўзида давом этади:

- Балиқлар сув билан тирик жониворлардир. Демак, улар учун сувнинг софлиги энг муҳим аҳамиятга эга. Яна сувда кислород ҳам мўл бўлиши шарт.

Уй шароитида бу вазифани ҳаво ҳайдагич курилмалари адо этади. Чучук сувда, шўр сувда яшайдиган жониворлар ҳам турлича. Қарши н г и з да ҳажми турлича бўлган тўрт дона шиша ҳовузчалар кўйилган. Яратилган шароитга эътибор беринг, сув ўтлари, тошчалар уюми, чиганоқли “уйча”лар. Сунъий ҳовузчалар 8 турдаги 200 дан ортиқ денгиз балиқчалари эркин сузиб юришибди. Энди савол-жавобларга ўтамиз. Қани, Қаҳрамонжон Холматов, айтингчи, балиқлар қандай кўпаяди?

- Тухум кўйиш, ҳамда тирик туғиш йўли билан кўпаяди.
- Ойбек Мирзаалиев, Сиз айтинг-чи, биз балиқларни неча маҳал озиқлантирамыз?
- Ҳар кунни уч маҳалдан. Фақат махсус дўконларда сотиладиган озуқалар билан овқатлантирамыз.
- Жаҳонгир Холдорев, Сиз бизга нега маҳаллий балиқларимиз шиша

ҳовузчаларда узоқ яшолмаслигининг сабабини айтиб берсангиз?

- Маҳаллий балиқларимиз шиша ҳовузчаларга кўника олмайди, чунки улар сунъий шароитда яшашга мослашмайди.

- Энди, ўқувчилар, машғулотдан олган таассуротларингизни суратлар ёрдамида акс эттиринглар-чи, - деди муаллима.

Ҳамма ишга киришди. Назаримда шу лаҳзаларда болалар ўзларини говвослардек ҳис этишаётганди гўё. Оппоқ қоғозлар худди жонли балиқлар сузаётгандек ажойиб манзаралар намоён бўла бошлади. Айниқса, Аброр Абдусаматов ва Ҳасанбой Абдурахмоновлар чизган суратларни тўгарак раҳбари таҳсинга лойиқ деб топди. Шунингдек, болаларнинг ўз уйларидаги балиқчалар парвариши ҳақидаги саволларига Галина опа Солиева фойдали маслаҳатлари билан батафсил жавоб берди.

Ҳамон қушлар бетиним сайраб кўноқдан кўноққа парвоз этишади. Хонадаги олти та бежирим тўрт қафасда тўрт жуфт канарейка ва икки жуфт Африка тўтиси устоз ва тўгаракнинг 25 нафар аъзолари ҳамкорлигида меҳр билан парваришланмоқда. Ҳар бир уяда тухумлар мавжуд. Яқин кунларда ана шу тухумларни ёриб жажжи қушчалар чиқади. Албатта қушлар сони бир нечтага кўпайди. Дераза яқинида эса турли иссиқсевар, ранг-баранг гуллар чамандек очилиб турибди. Хона эса баҳори ҳавосидек илиқ, саранжом-саришта.

Хуллас, тўгарак фаолияти билан танишсангиз завқингиз ошиб, она табиатга бўлган меҳрингиз янада ортади. Шу билан бирга сув ости дунёсига саёҳат этасиз.

Вали АҲМАДЖОН,
Бағдод тумани, Қонизор қишлоғи.



ЭЙ, ФАРЗАНД...

Ҳар бир инсон фарзанди ҳар бир ишда ўз ор-номусини сақласа, яшаётган дунёмиз жаннатга айланади.

Эй фарзанд! Одам умри қуёшга ўхшаб чиқишини ва ботишини ўйлаб, умринг борича яхшилик нурини соч!

Эй фарзанд! Қанча кўп яхшилик қилсанг, умр гулзоринг шунчалар яшнайд.



Эй фарзанд! Умрингнинг ҳар нафасини ганимат бил! Уни хушнудлик ва яхшилик билан ўтказ!

Эй фарзанд! Ҳаётда нимаики яхшилик келтирса, унга эътиқод қўйиб яша! Бу эътиқодингдан қайтмагин!

Эй фарзанд! Сенга яшаш ва яхшилик йўлини ўргатган устозингни улуг аллома даражасига етганинга ҳам асло унутма!

Эй фарзанд! Дастурхонинг тўкин бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин! Суханинг ҳар дилга ором берсин!

Эй фарзанд! Яхшиликни қанда қилма! Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди!



ҲАҚИҚАТЛАР ҲАЗИНАСИДАН

*Яхшилик уруғга ўхшайди,
ўсиб-униб неъмат беради.*

Саҳар туриб саъи ҳаракат қилган одам меҳнатидан баракат топади.

Йўқолганга ачинманг, борини асраб-авайланг.

Тилни ёмон сўзга ўргатманг.

Жон фидо қилганга ҳамма фидокор.

Боғни бир боғбон яратади, минг одам баҳраманд бўлади.

Соғлом одам хиёнат қилмайди.

Ерга меҳр қўйганни эл севади.

*Олтин бойлигинг бўлмаса ҳам,
олтин сўзинг бўлсин.*

Ёлғончига мансаб ярашмас.

Рост гап-ҳақиқат.

Инсонни меҳнат, одобни яхши фазилат безайди.




КАЪБА

Жуда қадим-қадимдан, биринчи одамзод бўлмиш Одам Ато замонидан бошлаб Каъбани азиз сана, Худонинг уйи деб аташган. Ривоятларга қараганда, уни Бекаа водийсида Одам Ато бунёд этган, аммо иморат Нуҳ тошқини туфайли бузилиб, вайрон бўлган.

Кейин бир неча асрлар ўтиб, Иброҳим пайғамбар бу водийга қадам қўяди. Тангри унга, Каъбани қайта қур, деб буюради. Ҳазрат Иброҳим ўша жойнинг қайдалигини аниқ билолмайди. Шунда бир парча бўз булут унинг олдига тушиб, йўл бошлайди. Иброҳим ўз қўли билан Каъбани қайта куради. У ўғли Исмоил билан теварак-атрофдаги тоғлардан тош кесиб, елқасида ташиб келтиради. Тангри кўкдан метеорид кумушранг ёғду сониб товланиб турувчи гавҳар тош ташлайди. Иброҳим уни олиб, иморатнинг бир бурчагига боқтиради. Бино тўғри бурчакли бўлиб қад кўтаради ва "Каъба" деб аталади. Ундаги гавҳар тош ярқираб атрофни ёритиб туради. Ўша атроф "Ҳарам" ёки "Муқаддас макон" деб юритилади. Метеоридни халқ "Муқаддас қора тош" ёки "Ҳажар ал-Асвад" деб атайди.

Иброҳим Худо олдида тиз чўкиб дейди: "Ё Худо, биз иморатни қуриб битирдик. Марҳамат қилиб, уни қабул эт!" Худо Иброҳимга дейди: "Мендан ўзгага сизинга, уйимни зиёратчилар учун ҳамиша тоза тут. Менинг қаршимда қўл қовуштир, ибодат қил, таъзим бажо айла! Одамларга айт, тоғ-давлонлардан ошиб, даралардан кечиб, яёв ёки туя миниб, зиёратга келишсин".

Сўнг Иброҳим Каъбанинг атрофидан - унинг Қора Тош қўйилган бурчагидан бошлаб, етти бор айланади. Етти бор Сафо тоғига, етти бор Маъва тоғига чиқади. Сўнгра етти бор Арофат водийсига боради. Бу - биринчи хаж, биринчи зиёрат эди. Шундан сўнг теварак-атрофда яшовчи араблар ҳам келишиб, Иброҳимга эргашиб, бу ерни тавоф, зиёрат қила бошлайдилар.



БОБОЛИ ХОНАДОН

Йўлакда ўткинчиларнинг эътиборини ўзларига қаратаётганларига ҳам парво қилмай, баланд сўзлашиб келаётган йигитчаларнинг сўзи беихтиёр қулоғимга кирди:

- Папашкамнинг отасини кўриб олишим керак. Лекин олдин қулоғимга пахта тикволишим зарур! Бўлмаса, лекция ўқигани-ўқиган! Жонга тегди!

- Вой, менга қара, бунинг йўли осон! Ўтган ҳайитда «пахан командировка»да эди. Ўша ердан туриб бувангни кўриб кел, ҳайит

майли-я, «пахан командировка»дан келганида институтга контрактимнинг чорагини тўлашга ваъда қилди. Фронтвик эмасми, бақувват пенсия олади. Ўлимликка йиғади. Айтганини бажарди. «Пахан» келганида ўша пуллари-дан анча олиб берди. «Мировой» дедим бор-да! Сен ҳам вақтинча ўзингни энг меҳрибон набира қилиб кўрсат!

Йигитчалар узоқлашиб кетишди. Уларнинг сўзи дилимга оғир тош бўлиб чўкди.



билан табрикла, деб телефон қилди. Бормасам - балога қоламан! Ўзи жуда «мировой дедушка!» Фронтда ҳам бўлган. Жуда «чесний!» Лекин эзмароқ. Ундай бўл, бундай бўл деб мазгини «сушить» қилади. Шартта плееримни чўнтагимга солдим, «рок кассета»ни қўйдим. Симини қўйлагимнинг ёқаси остидан орқа томондан ўтказиб, қулоғимга тирноқдай «наушник»ларини тикиб олдим. Мазза! Мен дедим олдида «рокка качаться» қилиб ўтирибману у киши менинг гапимга эзилиб ўтирибди деб ўйлаб, роса илҳом билан «нотация» ўқиди! Охири, бир кун олдин олган пенсиясидан минг сўм Ҳитлик бериб юборди! У ҳам

Бу хираликни йўқотиш учун яхши нарсалар ҳақида ўйлай бошладим. Биринчи бўлиб кўз ўнгимга Қибрайдаги мактаб ўқувчилари билан бўлган учрашув келди. Нечоғли қизиқувчан, интилувчан болалар!

Ўқитувчиларнинг кузатишига қараганда оиласида бобо ва бувиси бор болаларнинг ўзлаштириши, ҳулқи, билими ёш оилаларда ўсаётган болаларни кинга нисбатан бўлакчароқ экан. Боболи хонадон болалари ўқитувчилардан кам танбеҳ эшитар экан. Дарсларда ҳам ўзларининг ўқувлироқ, идроклироқ эканликларини намоён этар эканлар. Ўқувчиларнинг шарқона одоби, лутфидан улар бу сабоқни кексалардан олаётганликлари сезилиб

тураркан.

Учрашувдан сўнг адабиёт ўқитувчиси ифтихор билан ўқувчиларининг ўз боболари ва бувилари ҳақида ёзган иншоларини кўрсатди:

«Мактабдан борганимда уйда мени бувим кутиб турган бўладилар. Бирга овқатланамиз. Кейин дадам ва ойим ишдан келгунларича уйларни йиғиштирамиз. Кечки овқатни ҳам бирга тайёрлаймиз. Бувим жуда ширин таом тайёрлайдилар. Аммо кечқурун ҳамма йиғилганида «Невара қизимнинг қўли жуда ширин-да!»- деб мақтайдилар. Эртасига яна шу ҳол такрорланади. Кўпинча бувимлардан «Сиз фақат айтиб туринг, ҳаммасини ўзим бажараман», деб илтимос қиламан. Ҳозир ҳамма таомларни пиширишни биламан».

«Кеча бобомга ҳомтоқ қилишда ёрдамлашдим. Ток қайчисини менга бериб қўйиб, қайси навдаларни қирқишни кўрсатиб турдилар. Иш охирида бобом менга: «Идрокнинг яхши экан. Энди ишқомни сенга ишониб топширсам бўлар экан», дедилар. Бобомни ҳамма зўр боғбон дейди. Мен ҳам уларга ўхшамоқчиман...»

«Бобомни жуда яхши кўраман. Бизни ҳечам уришмайдилар. Шўхлик қилганимизда ҳам «Отаси айлансин, чакки бўлибди-да!», дейдилар. Кейин нимаси чаккилигини тушунтириб берадилар. ҳаммасидан ҳам мен у кишининг болалиги, ёшлиги, жангларида кўрсатган жасоратлари ҳақидаги ҳикояларини тинглашни яхши кўраман. Фронтдан талай орден ва медаллар олиб келганлар. Шундай бобом борлигидан фахрланаман»...

Ҳалиги йигитчаларнинг гапи билан бу болаларнинг иншосини таққослаб, қилган хулосам шу бўлди: **ИЛДИЗДАН ҚУВВАТ ОЛГАН ЯПРОҚ ҚУРИМАЙДИ!**

Раҳима ШОМАНСУРОВА



**BIZNING
YO'LMIZ**

Yurt hur, mustaqil
Yurtboshi odil.
Tanlangan yoldan
Boramiz dadil.

Yo'limiz ravon
Oshgaymiz davon.
Nurli manzilda
Yetgaymiz omon.

Bizlar vatanga
Bo'lgaymiz posbon.
Vatan sha'nini
Etgaymiz osmon.

Jasurbek USMONOV.

**Farg'ona viloyati Uchko'prik tumanidagi
Muharraxon opa Oripova rahbarlik qilib kelayotgan 1-
iqtidorli bolalar maktab-internatida iqtidorli, bilimga chanqoq
o'quvchilar bilim olishadi. Ayniqsa, 4-sinf o'quvchilari orasida
she'riyat ixlosmandlari ham talaygina. Bu o'quvchilar barcha
fanlardan a'lo o'qish bilan birga tevarak-atrofdagi voqealarga
munosabatlarini, Vatanga bo'lgan muhabbatlarini, orzu-istaklarini
she'riy misralar orqali qog'ozga tushuradilar. Yosh qalamkashlarga
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi Sohixaxon Nuriddinova o'z
maslaxatlari bilan yaqindan ko'maklashadi. Biz bu iqtidorli bolalarga
ijodiy kamolot, maktab jamoasiga iqtidorli bolalarni tarbiyalab,
Vatanining asl farzandlari etishdek sharaflil ishlarda
muvaffaqiyatlar tilaymiz.**

MAKTABIM

Mening ona maktabim
Senda ko'p do'st-o'rtog'im.
Mazmunli o'tar har on
Quvnoq bolalik chog'im.

Ilmxona, nurxona
Tabarruk joy dargohsan.
Barcha olamiz mudom
Ilmga kon bir bog'san.

Nasimjon RAHIMOV,

KITOBIM

Aqlim peshlab ongimni
Yoritar chirog'imsan.
To'g'ri yo'lga boshlovchi
Mening chin o'rtogimsan.

Har sahifang qadrlil
Ilmu odob olaman.
Sendan o'qib o'rganib
Zukko, dono bo'laman.
Humoyun BOBOYEV.

Qadim o'lgan zamonda bir qishloq bo'lib, bu qishloqqa o'sha yerdagi shoh hukmdor ekan. O'sha qishloqda bir chol va kampir bo'lib, ular turmush qurganiga ko'p yil bo'lgan bo'lsa-da, ularni farzandi yo'q ekan. Chol tegirmonchilik, kampir esa ko'chada pista va qurt sotar ekan. U ko'chada o'tib qaytgan bolalarga pista va qurt berar, tunda savdosi yaxshi bo'lmaganligini sezsa ham nolimas ekan.

Choling oldiga esa har kuni bir juldur kiyimli, sohibjamol qiz kelib ikkita nonlik bug'doy chiqarib ketar ekan. Bir kuni kampir cholga nonushta olib keldi va tegirmon yonidagi qizni ko'rib, uni nonushtaga taklif qildi. Qiz rad etdi, lekin ovqatning xushbo'y xidi qizning tomog'ini qitiqlayotganini sezgan kampir qizni yana bir bor nonushtaga taklif etdi. Qiz «bismillo» bilan iymanibgina nonushtaga o'tiribdi. Chol o'z ovqatini yegach, qizning bug'doyini chiqarib berdi. Kampir esa qizni so'roqqa tutdi:

- Qizim qayerda turasiz?
- Hech qayerda.
- Ota-onangiz bormi?
- Yo'q.
- Bug'doyni qayerdan oldingiz?
- Odamlarning uyida kechgacha ishlab, evaziga ikkita nonlik bug'doy olaman.
- Qizim biznikida qoling. Farzandimiz yo'q.
- Mayli, onajon,-deb javob beribdi qiz.

Kuz kunlarining birida qiz o'tin tergani o'rmonga boribdi va otlar tovushini eshitibdi. Qiz darrov butalar orasiga berkinibdi va ona-bola ohu ovchilardan qochib ketayotganini ko'ribdi.

Qiz yo'lga chiqsa, qirq otlik bilan ov qilayotgan shahzodani

ko'ribdi. Qiz ona-bola ohuni quvib kelayotgan bu otliqlarning yo'lini to'sib turib olibdi.

Shahzoda qizga
y o' l n i

bo'shatishni
iltimos qilibdi. Shunda qiz shahzodaga shunday debdi:

-Ey, shahzoda, sening otang podshoh, onang malika, ne g'aming bor, lekin sendan najot istab qochayotgan ohu bolasi onasiga yetishib o'lsa ham o'z onasi bag'rida jon berishni istaydi. Sen buni tushunarmiding.

Shahzoda qizning xusniga mahliyo bo'lib, saroyga qaytibdi va bor gapni otasiga aytib beribdi. Otasi «Shu qizni sevib qolgan» degan fikr bilan, balog'atga yetgan qizlarga bazm uyushtiribdi. Bazmga hamma qishloqlardan qizlar kela boshlabdi. Shahzoda otasiga shunday debdi:

-Otajon, men derazadan qarab turaman, qaysi qiz eshik yonidagi pardoz oynasiga qaramay xonaga kirsan shu qizni kelin qilasiz. Qolgan shartni esa onam aytsinlar,-debdi.

Shart onasiga yoqibdi.

Shahzoda qiz tanlashini mulozimlardan so'rab olgan qizlar shahzodani otasi aro bo'lgan shartni sezmay oynaga qarab pardoz qilib xonaga kirishibdi.

Voqeani qarangki, chol-

**8-sinf o'quvchisi Shohidaning «Bir
siqim javohir» degan kitobi chiqibdi.**

**-Kitobi chiqibdi-ya! Maktabdoshlari orasida bo'lgan duv-
dov gap ko'p o'tmay Jizzax tumaniga ham tarqaldi.
Tumandoshlari Shohidaning dadasini tabriklashdi, onasiga havas
qilishdi. Istiqloq sababda, iqtidor bo'lsa xatto o'quvchining-da
kitobi chiqishi! Yozganlari yaxshidurki, hamma o'qisin, omma
ko'rsin va xulosa chiqarsin deb ularni bir to'plamga jam
qilinishi... Tengdoshingizning o'sha to'plamga kirgan
hikoyasini o'qing.**


kampirning asrandi qizi esa oynaga qaramay xonaga kiribdi. Bazmda shahzodani onasi malika xonaga hamma qiz uchun gilam to'qishda kerakli moslamalarni berib, o'zi ikki kundan keyin xonaga kirishini aytib chiqib ketibdi.

Mulozimlarning qizlari gilam to'qishni bilmas va kambag'al qizlar esa bir-biridan g'ozal gilam to'qishibdi. Kampirning qizi esa o'tin yigib yurgan payt shahzoda bo'lgan hodisani gilamga tushiribdi va tagiga «Nozima» deb yozib qo'yibdi.

Shahzoda gilamlarni ko'rayotgan payt o'rmondagi hodisa-bir gala otliq va bir shahzodadan qochib borayotgan ona-bola ohu tasvirlangan va tagiga «Nozima» deb yozilgan gilam yoqibdi. Onasidan gilam kimnikiligini so'ragan ekan, malika oynaga qaramay xonaga kirgan qiznikiligini aytibdi. Shahzoda «bu o'sha!» deb baqirib yuboribdi.

Yigitning onasi qiz qo'lini so'rab uyiga sovcilar jo'natibdi. Uning uyidagilari roziligini olgach, podshoh Shahzoda va Nozimani to'ylarini qirq kechayu qirq kunduz elga osh berib o'tkazibdi va chol-kampirni saroyga olib kelib murod-maqсадlariga yetishibdi.

**Shohida MO'MINOVA,
Jizzax tumanidagi
P. Sobirov nomli
11-maktabning 8-sinf o'quvchisi.**



**Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси**

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТЕУОТ
ҚЎМИТАСИ.
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ.
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОНОВА,
Комил ЮСУПОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

**Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи**

**Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусада босилди. Ҳажми 2
босма табоқ.
Буюртма - К-8400
Газетани
Муҳаббат МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
Маъмура
МАДРАХИМОВА**

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.
Индекс 198
Тел: 144-62-34.